

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРЗАМУХАМЕДОВ ОДИЛЖОН ХАДЖИАКБАРОВИЧ

**ГИПОТИРЕОЗ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ОНА КАЛАМУШЛАРДАН
ТУҒИЛГАН БОЛА КАЛАМУШЛАР ЮРАК ДЕВОРИНИНГ
МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирзамухамедов Одилжон Хаджиакбарович Гипотиреоз билан касалланган она каламушлардан туғилган бола каламушлар юрак деворининг морфологик хусусиятлари.....	3
Мирзамухамедов Одилжон Хаджиакбарович Морфологические особенности стенки сердце крысят рожденных от матерей с гипотиреозом.....	21
Mirzamuhamedov Odiljon Khadjakbarovich Morphological features of the heart wall of baby rats born to mothers with hypothyroidism.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРЗАМУХАМЕДОВ ОДИЛЖОН ХАДЖИАКБАРОВИЧ

**ГИПОТИРЕОЗ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ОНА КАЛАМУШЛАРДАН
ТУҒИЛГАН БОЛА КАЛАМУШЛАР ЮРАК ДЕВОРИНИНГ
МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib615 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ахмедова Сайёра Мухамадовна**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Орипов Фирдавс Суръатович**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

Р.Дж. Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли орасида кенг тарқалган соматик касалликлар орасида қалқонсимон без касалликларининг учраш даражаси юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Ташқи ва ички омилларни юрак қон-томир тизимига ножўя таъсири натижасида келиб чиқадиган «ўлим кўрсаткичларининг ёшариб бориш жараёни кузатилмоқда»¹. Тиреоид гормонларнинг организмда етишмаслиги ёки миқдорининг ошиб кетиши натижасида юрак қон-томир тизимида морфологик ва функционал ўзгаришларни баҳолашга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Жаҳонда гипотиреоз билан касалланган оналардан туғилган авлодларда юрак деворининг морфологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қалқонсимон без патологияси оқибатида организмдаги барча аъзо ва тизимларининг ўзгаришлари ҳамда гипотиреоз билан касалланган она каламушлардан туғилган авлодлар юрак деворининг морфологик хусусиятларини, гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлодларнинг миокардида липидларнинг пероксидли оксидланиш маҳсулотлари, антиоксидант тизими ферментлари фаоллиги ўзгаришлари ва гипотиреоз ҳолатидаги туғилган болаларининг қалқонсимон безининг морфологик ўзгаришларини ҳамда гипотиреоз ҳолатида туғилган тажриба ҳайвонларининг юрак деворига мексидол дори воситасининг самарали таъсирини баҳолашни ташхислашни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини такомиллаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда гипотиреоз билан касалланган оналардан туғилган авлодларда юрак деворининг морфологик хусусиятларини баҳолаш самарадорлигини ошириш орқали юрак касалликларини самарали ташхислашга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Massimo F. Piepoli, Arno W. Hoes, Stefan Agewall, Christian Albus et. al. Европейские рекомендации по профилактике сердечно-сосудистых заболеваний в клинической практике // Российский кардиологический журнал -2017- № 6 (146) – С. 7-85.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир қатор илмий тадқиқот натижалари қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши натижасида ҳар хил этиологияли юрак етишмовчилиги келиб чиқишини кузатилиши ва касаллик кечишини оғирлаштиришини кўрсатади. Қонда Т3 ва Т4 гормонлар миқдорининг кўтарилиши натижасида гипофизнинг тиреотроп гормонини ишлаб чиқарилиши камаяди. Юқоридаги гормонлар миқдорининг қонда камайиши, аксинча тиреотроп гормони ишлаб чиқарилиши кўпайишига сабаб бўлади. Тиреоид гормонлар ангиогенез жараёнида иштирок этиб, юракда артериолаларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади (Н.А.Петунина, 2007; М.К.Luidens 2010; L.H.Duntas, 2014). Тиреоид гормонлар юрак қон-томир тизимини меъёрий иш фаолиятини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Т3 ва Т4 гормонлари барча тўқима ва аъзоларнинг кислородга бўлган талабини оширади, бу эса ўз навбатида метаболизмнинг охириги маҳсулотларини тўплаб тотал вазодилатация, яъни артериолаларни периферик кенгайишига олиб келади (М.Sugden, M.Langdown, 2000; Н.А.Петунина, 2007; J.Yango, O.Alexoroulou, 2011). Бунинг натижасида диастолик босим пасайиб, хронотроп ва инотроп таъсирининг кучайиши ҳисобига юракдаги қон ҳажмининг ошишига олиб келади (Т.А.Некрасова, Л.Г.Стронгин, 2012; М.Ш.Мадиярова, Т.Б.Моргунова, 2014). Қатор муаллифларнинг фикрича, юрак қисқаришининг камайиши, юрак мушак толалари узунлигининг ортиши, тўқима орасидаги шишнинг ривожланиши ва миозин синтезининг бузилиши кардиомегалияга олиб келувчи сабаблардан бири бўлиб, ушбу ҳолат артериал қон босимнинг бошқарилишини бузилишига олиб келади (А.Б.Новицкая 2005; N.Rodondi, A.V.Newman 2005; O.Hyyti, X.Ning, N.Buroker 2006; A.C.Карась, А.Г.Обрезан 2009). Бирламчи гипотиреоз натижасида келиб чиқадиган метаболик жараёнларнинг бузилиши, миокардда диффуз дистрофик ўзгаришлар ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Юракда кечадиган клиник ўзгаришлар хусусида 1918 йилда Н. Zondek микседематоз юрак тўғрисида илк марта ёзиб қолдирган. Бу олим кардиомегалияда кузатиладиган ўзгаришлар брадикардияга сабабчи бўлишини ёритган бўлиб, қалқонсимон безнинг гипофункцияси вақтида беморларнинг кўкрак қафаси

рентгенограммаси ўтказилганда юрак соясининг кенгайишини аниқлаган. Н. Zondekнинг фикрича, гипотиреозда кузатиладиган кардиомегалия, яъни юракнинг кенгайиши, юрак камераларининг гипертрофияси, миофибрилларнинг мукоид бўкиши ва стромасининг шиши натижасида кузатилади. Бундан ташқари муаллиф томонидан юрак тонларининг пасайиши, ЭКГда эса Р ва Т тишлари амплитудасининг пасайиши аниқланган (Р.А.Корр, 2018).

Ҳозирги вақтга келиб, Ўзбекистонда турли аъзо ва тизимларнинг морфологик кўрсаткичларини баҳолашда қатор олимлар иш олиб боришган (С.М.Ахмедова, 2017; М.Х.Рахматова, 2018; Н.Б.Зокирова, 2018; М.Т.Юлдашева, 2019), бироқ, гипотиреоз билан хасталанган она каламушлардан туғилган болаларнинг юрак деворининг морфологик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, гипотиреоз ҳолатида оналардан туғилган болаларнинг юрагини постнатал онтогенез даврида анатомо-гистологик тузилиши ва морфологик хусусиятларини кейинги босқичларда чуқур ўрганишни тақоза қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган (2014–2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади тажрибавий гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлодларнинг юрак деворида кечадиган морфологик ўзгаришларни баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлодларнинг миокардида липидларнинг пероксидли оксидланиш маҳсулотлари ва антиоксидант тизими ферментлари фаоллигини ўзгаришини баҳолаш;

гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган болаларининг калқонсимон безининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш;

гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлодлар юрак деворининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш;

гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлод каламушлар юрак деворининг ультрамикроскопик ўзгаришларини баҳолаш;

гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган болалари юрак деворига мексидолнинг таъсири самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг экспериментал тадқиқотлар олиб бориш лабораториясида онасида тажрибавий гипотиреоз чақирилган ва интакт оналардан туғилган жами 223 та каламуш болалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида интакт ва онасида тажрибавий гипотиреоз чақирилганидан сўнг улардан туғилган каламуш болалари юрагининг қоринчаларидаги патоморфологик ўзгаришлар ва морфометрик кўрсаткичларини комплекс баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда морфологик, морфометрик, гистологик, биокимёвий ва иммунологик, статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган болаларнинг юрак миокард тўқимаси ва қонидаги липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнида ҳосил бўлган маҳсулотлари диен, триен конъюгатлари, малондиальдегиди, супероксиддисмутаза ва каталаза фаоллигининг ўзгариши исботланган;

гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлодлар қалқонсимон беши қон-томирларидаги ўзгаришлар, шунингдек фолликулаларида кечадиган дистрофик ўзгаришлар асосланган;

гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлодлар юрагида кечадиган тўқималардаги субҳужайра даражасидаги ультратузилмавий ва ҳужайравий ўзгаришлар исботланган;

антиоксидант Мексидолнинг гипотиреоз ҳолатидаги она каламушларнинг авлодлари юрагидаги ўзгаришларни олдини олишга қаратилган протектор таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тажрибавий гипотиреоз ҳолатидаги оналардан туғилган авлодлар қонида Т3 ва эркин Т4 тиреоид гормонларининг миқдори таҳлилига нисбатан пасайиши ва ТТГ гормонининг ошиши кузатилиб, тажриба моделининг ижобий самараси баҳоланган;

тажрибавий гипотиреоз ҳолатидаги оналардан туғилган авлодлар миокардида липидларнинг пероксидли оксидланиши ва антиоксидланиш тизими мутаносиблигининг бузилиши исботланган;

гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлодлар юрагига антиоксидант мексидолнинг протектор таъсири исботланган;

миокарддаги ультратузилмавий ўзгаришларнинг кардиомиоцитларда мембрана тузилмалари дестабилизацияси сифатида кўриниши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи гистологик, морфометрик, иммунологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги, қалқонсимон без ва миокардда кечадиган ўзгаришларнинг структур хусусиятларини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, олинган хулоса натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўз ичига гипотиреоз ривожланишида авлодлар қалқонсимон без ва миокардида кечадиган морфологик ўзгаришларнинг қайта қурилиши, қон ва тўқимадаги биокимёвий жараёнлар, яъни липидларни пероксидли оксидланиш ва антиоксидланиш тизимининг мутаносиб таъсири механизмларини кенгайтирилган тартибда баҳолаш, гипотиреоз ривожланишида патогенетик даволаш усулларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлодлар юрагига антиоксидант мексидолнинг протектор таъсири, уларни онасида гипотиреоз ҳолати кузатилган болаларида кардиомиопатияларни олдини олиш мақсадида ўтказиладиган чора-тадбирларни баҳолаш, даволаш ва реабилитациялашнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш ва уларни патогенетик асосланган дори воситалари билан даволаш самарадорлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гипотиреоз билан касалланган она каламушлардан туғилган болаларнинг юрак деворини морфологик хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гипотиреоз билан касалланган она каламушлардан туғилган болаларнинг юрак деворини морфологик хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Постнатал онтогенезда гипотиреоз ҳолатида миокардитларни олдини олиш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 8н-д/25-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома онасида гипотиреоз бўлган авлод юрагидаги морфологик ўзгаришларни баҳолаш имконини берган;

гипотиреоз билан касалланган она каламушлардан туғилган болаларнинг юрак деворини морфологик хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг фундаментал тадқиқотлар лабораторияси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 03 декабрдаги 8н-з/174-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлодлар юрагининг морфологик хусусиятларини баҳолаш, авлодлар миокардида липидларни пероксидли оксидланиш ва антиоксидланиш тизимининг мутаносиблигининг бузилишини, малондиальдегиди, диен ва триен конъюгатларининг назорат гуруҳидагига нисбатан ошишини, антиоксидант тизими ферментлари супероксиддисмутаза ва каталазининг фаоллигини пасайишини, диен ва триен конъюгатларининг яққол ўзгаришини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари, асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқот ишларининг долзарблиги ва заруриятлари асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсадлари, вазифалари, объектлари ва предметлари тўла ҳолда тавсифланган. Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги келтириб ўтилган, ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган бўлиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Гипотиреоз касаллигида юракдаги ўзгаришларининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида муаммонинг хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи келтирилган. Диссертациянинг одам ва бошқа сут эмизувчилар юрагининг тузилиши шунингдек, юрак қон-томир тизимининг ташқи омиллар таъсирида ўзгариши бўйича олинган маълумотлар таҳлили ёритилган бўлиб, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Гипотиреоз билан касалланган она каламушлар авлодлари юрак деворида ўзгаришларининг тадқиқот материал ва усуллари»** га бағишланган. Мақсадга эришиш учун 223 та назорат ва тажрибавий гипотиреоз ҳолатидаги оқ лаборатор она каламушлардан туғилган авлодлардан фойдаланилди. Оқ лаборатор каламушлар 3 та гуруҳга ажратилди. 1-гуруҳ соғлом каламушлар назорат гуруҳини ташкил қилди. 2-гуруҳ 1-тажриба гуруҳини ташкил этиб, бу гуруҳда 20 та оқ урғочи лаборатор каламушларда тажрибавий гипотиреоз чақириш учун 14 кун давомида 100 гр тана оғирлигига нисбатан 0,5 мг миқдорда мерказолил берилди. Кейинчалик 1 ой давомида каламушларга 100 гр. тана вазнига 0,25 мгдан мерказолил берилди. Каламушлар ҳомиладор бўлганидан сўнг ва боласи туғилгандан кейин ҳам эмизикли даврида она каламушларга 100 гр. тана вазнига 0,25 мгдан мерказолил беришни давом эттирилди. Тажрибанинг 3-гуруҳида 2-гуруҳидаги каби тажрибавий гипотиреоз чақирилди. Ҳомиладорлик рўй берган кундан бошлаб она

каламушларга 0,3 мг/кг миқдорида антиоксидант мексидол берилди. Мексидол бола каламушлар туғилгач эмизикли даврнинг охиригача берилди.

Назорат гуруҳидаги она каламушларга ҳар куни эрталаб 1,0 мл миқдорда дистилланган сув ва оғиз орқали юборилаётган зонднинг каламушлар меъдасига зарарли таъсирини камайтириш мақсадида 1% ли 1,0 мл крахмал суспензияси берилди. Зонд сифатида ўмров ости катетеридан фойдаланилди. Бола каламушлар туғилганидан сўнг 3-, 7-, 14-, 21- ва 30-кунларда декапитация усулида жонсизлантирилди.

Юрак кўрак қафасидан ажратилгандан сўнг юракнинг узунлиги, кенглиги, қалинлиги ўлчанди. Юрак ўлчамлари штангенциркуль ёрдамида ўлчанди. Юракнинг узунлиги юрак чўққисидан асосининг энг бўртиб турган қисмигача ўлчанди. Юракнинг кенглиги бўлмача-қоринча эгати бўйлаб энг бўртган қисмидан чапдан ўнга қараб ўлчанди. Юракнинг қалинлиги, бўлмача-қоринча эгати бўйлаб энг бўртган қисмидан олдиндан орқага қараб аниқланади. Юракнинг шакли визуал аниқланди. Каламушлар ва улар юрагининг оғирлиги учун электрон тарозидан фойдаланилди.

Гистологик кесмалар юракнинг бўйлама ўқи йўналишида тайёрланди. 8-10 мкм қалинликда, ротор микротомда тайёрланган парафинли гистологик кесмалари гематоксилин-эозинда стандарт усулда бўялди (О.В.Волкова, Ю. К.Елецкий 1982). Юрак деворидаги бириктирувчи тўқиманинг коллаген толалари Ван-Гизон (Г. А.Меркулов 1961) усулида аниқланди.

Трансмиссион микроскопия учун каламуш болаларининг юрагидан олинган тўқима 2,5% глютар альдегид эритмасининг 0,1М, рН 7,4 фосфат буфериди 2-12 соат давомида фиксация қилинди, фосфат буфериди аралаштирилди, 1% осмий тўрт оксиди эритмасида яна фиксация қилинди ва спирт-ацетонда сувсизлантирилгандан сўнг эпон ва аралдиг аралашмаси солинди.

Каламуш авлодлари қонидаги гормонлар миқдори текширилди. Лаборатор каламушлар юрак тўқимасидаги липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнининг интенсивлиги, диен ва триен конъюгатлар, ҳамда малон диальдегид миқдorigа қараб баҳоланди. Қон зардобидида Малон диальдегиди (МДА) миқдори Л.И.Андреева усулида аниқланди. Диен ва Триен канъюгантларининг (ДК, ТГ) миқдори В.Б.Гаврилов ва М.М.Мишкорудной усулида аниқланди.

Гистологик препаратлардан микросуратлар СХ40 моделидаги ОД400 камерали микроскоп ёрдамида суратга олинди. Бўлмача ва қоринчалар деворининг қалинлиги ва қон-томирлар деворининг қалинлиги окуляр линейка ёрдамида микроскопнинг 90 объективлик, 7 лик окулярида ўлчанди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компютериди Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакетида фойдаланиб, статистик қайта ишлашнинг ўрнатилган вазифаларини қўлланилган тартибда статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг «Қалқонсимон безнинг морфологик тузилиши ва унинг мерказолил таъсирида ўзгариши» деб номланган учинчи бобида гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлодларида


тажрибавий гипотиреоз чақирилганлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида каламушларнинг қонида трийодтиронин (Т3), боғланмаган тироксин (Т4) ва тиреотроп гормони (ТТГ) миқдори аниқланди. Гормонларнинг кўрсаткичини таҳлили, тажрибавий гипотиреоз ҳолатидаги каламушларнинг қонида эркин тироксин (Т4) гормонининг кўрсаткичини ишончли камайиши кузатилди. Т3 ва эркин Т4 гормонининг камайиши 14 кунликдан бошлаб яққол акс этди ва тажрибанинг охириги кунларига келиб боғланмаган Т4 нинг ишончилиги 4 мартагача, Т3 эса 1,5 баробар камайиши кузатилди. Т3 ва боғланмаган Т4 гормонларининг миқдорини қонда камайиши, ТТГ гормонининг назорат гуруҳи билан солиштирганда 14 кундан кейинги кўрсаткичи 2 баробар ошишига олиб келди.

Тиреоид гормонларнинг етишмовчилиги сабабли организмда метаболизмнинг ҳар хил даражадаги бузилишлари кузатилиши адабиётларда келтирилган. Бунинг натижасида биомембраналарда липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёни бузилиши юзага келишини ҳисобга олиб, диссертация ишида липидларнинг пероксидли оксидланишининг (ЛПО) баъзи маҳсулотлари ўрганилган. Тадқиқотларимиз таҳлили гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлод каламушларнинг миокардида ЛПО маҳсулотларини назорат гуруҳидагига қараганда ошиши кузатилди.

1-тажриба гуруҳида диен, триен конъюгатлари (ДК, ТК) ва миокардда малон диальдегидининг (МДА) миқдори ишончли ошганлигини кўрсатди. Таҳлиллар натижаси 7 кунлик бола каламушлар қон зардобида МДА нинг ошиши 41% га, 14 ва 21 кунликда эса юқори кўрсаткичга эга бўлиб, назорат гуруҳидагига қараганда 89% гача ишончли ошганлигини кўрсатди (1-расмга қаранг). 30-кунга келиб эса липидларнинг пероксидли оксидланишидан ҳосил бўлган оралиқ маҳсулот ҳисобланган МДА ни аста секин пасайиши кузатилди.

2-тажриба гуруҳида яъни мерказолил билан тажрибавий гипотиреоз чақирилиши билан бир вақтда мексидол қабул қилган она каламушлардан туғилган авлодларнинг қон зардобидаги МДА нинг миқдори текширилганда, назорат гуруҳидагига қараганда бироз ошганлиги аниқланди. Бу кўрсаткич 3 кунлик каламуш болаларида назорат гуруҳидаги билан солиштирганда айтарли бир хиллиги аниқланди. 7 кунлик авлод каламушларда МДА нинг статистик аҳамиятга эга бўлмаган ўзгариши, яъни 3% га ошганлиги аниқланди. 14-21 кунлик бола каламушларда эса назорат гуруҳидагига қараганда 10% дан 17% гача баланд бўлиб, 30 кунликда бу кўрсаткич 15% га баланд эканлиги сақланиб қолди.

1-тажриба гуруҳидаги бола каламушлар қон зардобидаги ДК миқдори текширилганда, 3 ва 7 кунлик бола каламушлар қон зардобида назорат гуруҳидан сезиларли фарқ қилмайди. 14-21 кунликда 20% дан 28% га юқори эканлиги кузатилди, 30 кунликда ҳам ДК нинг баланд кўрсаткичи сақланиб қолди.



1-расм. Қон зардобдаги малондиальдегид миқдорининг ўзгариши


2-тажриба гуруҳидаги яъни мерказолил билан тажрибавий гипотиреоз чақирилиш билан бир вақтда мексидол қабул қилган оналардан туғилган авлодлари қон зардобдаги ДК миқдори текширилганда, назорат гуруҳидагига қараганда сезиларли даражада ошмаганлиги қайд этилди. Бу кўрсаткич 21 кунлик каламуш болаларида энг юқори даражага эга бўлиб, назорат гуруҳидагига нисбатан 9% юқори эканлигини кўрсатди.

2-тажриба гуруҳидаги яъни мерказолил билан тажрибавий гипотиреоз чақирилиш билан бир вақтда мексидол қабул қилган она каламушлардан туғилган авлодлар қон зардобдаги ТК нинг миқдори текширилганда, назорат гуруҳидагига қараганда сезиларли даражада ўзгармаганлиги қайд этилди. Бу кўрсаткич 3 кунлик бола каламушларда назорат гуруҳидаги билан солиштирганда айтарли бир хиллиги аниқланди. 7 кунлик бола каламушларда ТК нинг статистик аҳамиятга эга бўлмаган ўзгариши яъни 11% ошиши аниқланди. 14 ва 21 кунлик бола каламушларда бу кўрсаткич мос равишда 30% га баланлиги аниқланди. 30 кунлик бола каламушларда ТК нинг миқдори назорат гуруҳига нисбатан 15% га ошганлигини кўриш мумкин.

1-тажриба гуруҳидаги бола каламушлар қон зардобдаги ТК нинг миқдори текширилганда, 3 кунлик бола каламушлар қон зардобда назорат гуруҳидан сезиларли фарқ қилмайди. 7 кунлик бола каламушлар қон зардобда ТК нинг миқдори назорат гуруҳидагига қараганда 38% га кўпайганлиги, 14- ва 21-кунликда эса 73% ва 71% ларга юқори эканлиги, 30 кунлик бола каламушлар қон зардобда ТК нинг миқдори назорат гуруҳидагига нисбатан 55% га юқори эканлиги аниқланди. Липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёни антиоксидант системасининг ферментлари билан мутаносибликда ишлайди. Тадқиқот ишида антиоксидант

системасининг асосий ферментлари бўлган супероксиддисмутаза ва каталаза ферментларининг ўзгариши ўрганилди. Тадқиқот натижаларининг таҳлили бола каламушлар қонида каталаза ва супероксиддисмутаза ферментларининг фаоллигини пасайишини кўрсатди. 3 кунлик бола каламушлар қон зардобиди ва миокард тўқимасида СОД нинг миқдори 1,0 мартага, 7 кунликда эса 1,2 мартага пасайиши аниқланди. 14-кунга келиб бу ферментларнинг активлигини пасайиши сақланиб қолди ва назорат гуруҳига қараганда активлиги 2,4 марта ишончли пасайганлиги қайд қилинди. 21 кунлик бола каламушлар қон зардобиди супероксиддисмутазанинг активлиги ишончли ($p < 0,001$) 2,3 марта пастлиги сақланиб қолди. 30-кунга келиб бу кўрсаткич 2,0 га тенг эканлиги қайд этилди. 2-тажриба гуруҳидаги яъни мерказолил билан тажрибавий гипотиреоз чақирилиш билан бир вақтда мексидол қабул қилган она каламушлардан туғилган бола каламушлар қон зардобиди СОД нинг миқдори текширилганда, назорат гуруҳидагига қараганда пасайганлиги қайд этилди. Бу кўрсаткич 3 ва 7 кунлик бола каламушларда назорат гуруҳидаги билан солиштирганда айтарли фарқ қилмаслиги аниқланди. 14 кунлик бола каламушларда СОД нинг статистик аҳамиятга эга бўлган ўзгариши яъни 1,4 мартага камайиши аниқланди. 21 кунлик бола каламушларда СОД нинг миқдори назорат гуруҳидагига қараганда пастлиги сақланиб қолди ва 21 кунликда 1,3 марта, 30 кунлик бола каламушларда эса 1,2 марта пастлигини кўриш мумкин (2-расмга қаранг).

3 кунлик бола каламушлар қон зардобиди ва миокард тўқимасида каталазанинг миқдори 1,2 мартага, 7 кунликда эса 1,9 мартага пасайиши аниқланди. 14-кунга келиб бу ферментларнинг активлигини пасайиши сақланиб қолди ва назорат гуруҳига қараганда активлиги 2,4 марта ишончли пасайганлиги қайд қилинди. 21 кунлик бола каламушлар қон зардобиди каталазанинг активлиги ишончли 2,1 марта пастлиги сақланиб қолди. 30-кунга келиб бу кўрсаткич 2,0 га тенг эканлиги қайд этилди. 2-тажриба гуруҳидаги яъни мерказолил билан тажрибавий гипотиреоз чақирилиш билан бир вақтда мексидол қабул қилган она каламушлардан туғилган болалар қон зардобиди каталазанинг миқдори текширилганда, назорат гуруҳидагига қараганда пасайганлиги қайд этилди. Бу кўрсаткич 3 кунлик бола каламушларда назорат гуруҳидаги билан солиштирганда айтарли фарқ қилмаслиги аниқланди. 7 кунлик бола каламушларда каталазанинг яққол бўлмаган ўзгариши яъни 1,1 мартага камайиши аниқланди. 14 кунликда эса бу кўрсаткич 1,3 мартага, 21 ва 30 кунлик бола каламушларда каталазанинг миқдори назорат гуруҳидагига қараганда статистик ишончли бўлмаган 1,0 мартага пастлиги сақланиб қолганлиги аниқланди.



2-расм. Қон зардобда супероксиддисмутазаинг фаоллик кўрсаткичлари

Натижада, тажрибавий гипотиреоз таъсирида қалқонсимон безнинг морфологик тузилишида ўзгаришлар кузатилди. Қалқонсимон безнинг тузилишидаги морфологик ўзгаришлар тажрибанинг 7-14 кунда безнинг перифериясида йirik фолликулаларнинг пайдо бўлиши билан асосланди. Тажрибанинг кейинги кунларида без тўқимасида шиш ривожланиб, коллаген толаларнинг титилиши, қон томирларда ўзгаришлар, коллоид кисталарнинг пайдо бўлиши, безнинг фолликуляр эпителийсидаги хужайраларда дистрофик ўзгаришлар кузатилди. Юқоридаги ўзгаришлар ривожланишига қарамадан, безнинг бўлакчали ривожланиши сақланганлиги кўринади. Тажрибанинг илк кунларида вена томирларидаги тўлақонлик, қон-томирлар деворида ўтказувчанликни ошиши ҳисобига плазморрагия кузатилди. Стромада ўчоқли шишлар аниқланди. Катта фолликулаларда эозинофил коллоид мавжуд. Етилмаган фолликулалар майда кубсимон эпителий билан қопланган. Безнинг периферик қисмларида катта фолликулалар сонининг кўпайиши кузатилади. Безнинг баъзи жойларида кескин катталашган фолликулалар кисталарга ўхшайди. Бундай фолликулаларда эпителийнинг яссиланишини кўриш мумкин. Фолликуляр хужайраларнинг ядролари овал ёки чўзилган шаклда, ўлчами бироз кичрайган. Катта фолликулалар коллоид эозинофил эканлиги аниқланди. Кичик фолликулалар кубсимон эпителий билан қопланган. Безнинг стромасида асосан томирларнинг атрофида фибробластларнинг ўчоқли пролиферацияси кузатилади.

Тажриба бошланганидан 21 кун ўтгач, безнинг бўлакчали тузилиши сақланиб қолди, аммо бўлакларнинг ҳажми бироз камайди. Уларда катта фолликулаларнинг устунлик қилиши, кичик ва ўрта фолликулаларнинг сонини камайиши, атрофик жараёнлар ривожланаётганини кўрсатади. Тажрибанинг ушбу даврида фолликуляр эпителийда оқсил гидропик


дистрофия ва зарарланган тироцитларнинг фолликулани бўшлиғига қисман десквамацияси аниқ намоён бўлади. Тажрибанинг 30-кунига келиб юқоридаги морфологик ўзгаришларнинг интенсивлигини ортиши, бу ўзгаришлар бутун безга тарқалиб, диффуз характерга эга бўлди. Коллаген толаларнинг шиши ва жойларда парчаланиши кузатилди. Строманинг сақланиб қолган қисмларида репаратив жараёнлар кучаяди, фибробластларнинг интенсив тарқалиши ва фибринлар ҳосил бўлиши аниқланди. Тажрибанинг бу кунда қалқонсимон безда характерли таркибий ўзгаришлар яъни бўлакчаларнинг атрофияси, деформацияси, бўлакларда фолликуляр эпителийнинг пасайиши ва атрофияси, тироцитларда дистрофик ўзгаришлар, катта фолликулалар сонининг кўпайиши, шунингдек, катта ва кичик фолликулаларнинг тартибсиз алмашинуви аниқланди. Безнинг стромасидаги шишнинг интенсивлиги ортиб, бунда бутун безга тарқалди. Умумий қилиб айтганда, қалқонсимон безда безнинг бўлакчавий тузилишини бузилишига олиб келувчи дистрофик ўзгаришлар, фолликулаларнинг ўлчами, шакли ва тузилишининг ўзгариши кабилар ривожланди.

Диссертациянинг «**Каламуш болалари юрагининг анатомо-гистологик тузилиши**» деб номланган тўртинчи бобида юракнинг макро ва микроскопик тузилишини ёшга қараб ўзгариши ёритилган. Каламуш юраги кўкрак қафасида ассиметрик жойлашган ва чап томондаги катта майдонни эгаллайди. Тана вазнининг ошиши билан юракнинг абсолют вазни сезиларли ортади. Каламуш вазни ошишининг энг юқори даражаси 14-кунга тўғри келади (50%). Янги туғилганидан 21-кунгача каламуш вазни 3 марта, юрак вазни эса 1,7 марта ошади. Янги туғилган каламушларда юрак вазни тана вазнининг 1,75% ини ташкил қилди. Ёш ошиши билан юракнинг қиёсий вазни тана вазнига нисбатан камайиб, постнатал онтогенезнинг 21-кунда 1,1% ни ташкил қилди.


Текширув натижалар шуни кўрсатдики, юракнинг шакли ва ўлчамлари постнатал онтогенез давомида турли ёш даврда тўхтовсиз ўзгаради. Янги туғилган каламушларда барча анатомик кўрсаткичлар деярли бир хил бўлганлиги учун аксарият ҳолларда уларнинг юраги шарсимон шаклга эга бўлади. Илк постнатал онтогенез даврида юракнинг узунлиги, кенглиги ва олдинги-орқа ўлчамининг ўсиши бир хилда амалга ошмайди. 7-кундан бошлаб юракнинг узунлиги унинг кенглиги ва олдинги-орқа ўлчамига нисбатан тезроқ ўсади, натижада юракнинг шакли чўзилади. Анатомик кўрсаткичларнинг энг юқори ўсиш даражаси 7 кунлик каламушларда кузатилди. 21 кунлик каламушларда юрак олдинги-орқа ўлчамининг катталашуви унинг конуссимон шакл олишини таъминлайди. Тажриба гуруҳидаги каламуш болалари юрагининг ҳамма ўлчамлари назорат гуруҳиникига қараганда каттароқ эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, тажриба гуруҳидаги каламуш болаларининг тана ва юрагининг вазни назорат гуруҳидагига қараганда каттароқ эканлиги аниқланди. Тана вазнининг, ҳамда юрак вазнининг яққол катталашганлиги 14 кунликда аниқланди. Назорат гуруҳи билан таққосланганда тана вазни 35% га, юракнинг вазни эса 19% га катта эканлигини кўрсатди. Тажрибанинг

2-гурӯҳида яъни мексидол қўлланилганда бу кўрсаткичлар назорат гуруҳи билан таққосланганда, тана вазнининг 14% га, юракнинг вазни эса 10% га катталашганлиги аниқланди. Юракнинг узунлиги, кенглиги ва олдинги орқа ўлчамлари таққосланганда, 1-тажриба гуруҳида назорат гуруҳидагига караганда ўлчамларининг 2% дан 9% гача катталашуви кузатилди. 2-тажриба гуруҳида эса бу ўлчамлар 2% дан 6% гача ўзгарганлиги кузатилди. Гистологик текширувлар натижасида гипотиреознинг илк белгилари тажрибанинг 7-кунинда, юракнинг майда томирларида тўлақонлилик, стаз ва диapedез қон қуйилишлар, уларнинг периваскуляр шиши, бириктирувчи тўқима стромасининг бўртиши ва дезорганизацияси билан намоён бўлди. Миокарднинг субэпикардиал зонаси кенгайган ва томирлар тўлақонлиги аниқланди. Миокард стромасида бошланғич шишлар юзага келди (3-расмга қаранг). Тажрибанинг илк кунларида аниқланган шиш периваскуляр соҳада кузатилиб, тажрибанинг кейинги кунларида миокардга тарқалиши билан намоён бўлди. Миокардда шишининг бўлиши коллаген толаларнинг бўртиши, титилишига олиб келди. Миокардда кечадиган типик ўзгаришлар оралик тўқиманинг шиши, қон-томирларнинг тўлақонлиги, миокардда дистрофик ўзгариш қайд этилди.




3-расм. Юракнинг чап қоринчаси девори. Тажриба гуруҳи, 7-кун. Субэпикардиал қаватда синусоидларнинг кенгайиши, артериолалар атрофи ва интерстицийдаги яллиғланиш инфилтрати. Гематоксилин-эозин. X: 20x10



4-расм. Тажриба гуруҳидаги 21 кунлик каламуш юраги девори. Миокарддаги дистрофик ўзгаришлар Бўялиши: гематоксилин-эозин. X: 10x40

Тажрибанинг 14-21 кунларида майда веналар ва капиллярлар бўшлиғида шишининг кўпайишига олиб келди. Коллаген толалари шишиб, бириктирувчи тўқиманинг енгил дезорганизацияси белгилари пайдо бўла бошлаши аниқланди. Қон-томирлар эндотелий хужайраси шиши ҳисобига юмалоқ шаклга эга. Кардиомиоцитлар цитоплазмасида кичик вакуоляр-тиник цитоплазматик суюқлик пайдо бўлди. Яъни кардиомиоцитларда гидропик

дистрофия ривожланишига олиб келди. Хужайра ичи шиши тажрибанинг 14-кунида ўчоқли кўринишда, 21-кунга келиб эса тарқалган характерда эканлиги аниқланди. Кардиомиоцитлар орасидаги суюқлик мушак толаларини сурилишига олиб келиши кузатилди. Тажрибанинг 21-кунида интерстициал шиш кучайиб, миокард бўйлаб тарқалди. Тажрибанинг бу кунида кардиомиоцитларнинг жароҳатланиши яққол акс этди. Миокард толаларини шиши, коллаген толаларининг титилишига олиб келди. Миокард тўқимасининг бўкиши ва атрофидаги бириктирувчи тўқима толаларининг дезорганизацияси аниқланди. Миокарднинг дистрофик ўзгариши диффуз характерга эга бўлиб, цитоплазманинг сўрилиши ва хужайра ичи шиши кучайди. Мушак толаларининг титилиши ва тарқалган шишлар аниқланди (4-расмга қаранг). Тажрибанинг 30-куни кардиомиоцитларда оксил гидропик дистрофиясининг белгилари кузатилиб, миокардда плазмолизнинг кўплаб ўчоқлари аниқланди. Кардиомиоцитларда шишнинг кучайиши ва тарқалиши ҳисобига миокард стромасида мукоид бўкиш белгилари аниқланади (5-расмга қаранг). Миокард тўқимасида лимфоцитлар, гистиоцитлар ва фибробластлардан ташкил топган дастлаб ўчоқли, сўнгра тарқалган кичик инфилтратлар кўринди (6-расмга қаранг).



Тажрибанинг 2-гуруҳига мексидол қўлланилганда, гипотиреоз ҳолатидаги юрак миокардида кузатиладиган ўзгаришлар тажрибанинг 1-гуруҳидагига қараганда 7 кун кечроқ яъни тажрибанинг 14-кунида кузатилди. Тажрибанинг 1-гуруҳида эса 7-кунида пайдо бўлган эди. Бу белгилар венанинг атрофидаги шиш ва айрим кардиомиоцитларда шиш бўлиши билан намоён бўлди.

1- ва 2-тажриба гуруҳидаги каламуш болаларининг юрак деворида кузатиладиган ўзгаришлар ўзаро солиштирилганда ўзига хос бир хил эканлиги аниқланди. Бу ўзгаришлар яъни диффуз интерстициал шиш, диффуз хужайра ичи шиши, миоцитоз, лимфоцитар инфильтрация. Мексидол қўлланганда бу ўзгаришлар ўчоқли характерга эга бўлиб, яққол акс этмаганлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, гипотиреоз ҳолатида она каламушдан туғилган авлодларининг юрак миокардида салбий ўзгаришлар кузатилди. Бу ўзгаришлар гемомикроциркулятор кўринишда бўлиб, оралик строманинг шиши, хужайранинг деструктив ва дистрофик ўзгариши сифатида намоён бўлди. Ўзгаришлар тажрибанинг 14-куни яққолроқ акс этди ва ультраструктуравий ўзгаришлар кардиомиоцитларда мембрана тузилмаларининг дестабилизацияси сифатида кўринди.

Кардиомиоцитларнинг митохондрияси томонидан деструктив ўзгаришлар аниқланди. Миофибриллалар ва уларнинг тузилмаларидаги дезорганизация кардиомиоцитларнинг қисқариш вазифасини бузилишидан дарак беради. Олинган маълумотлар миокардда хужайра, субхужайра даражасидаги ўзгаришлар токсик миокардитга олиб келишини исботлайди.

Илк даврларда (7-14 кунлик) кардиомиоцитларда миофибриллалардаги ультраструктур ўзгаришлар билан ифодаланувчи бузилишлар қайд этилиб, улар мазкур хужайраларнинг қисқариш функцияси бузилишидан далолат беради. Бу миокард мушак толалари уч фазали тузилмасининг бузилишига олиб келади.

Митохондриялардаги кучли ўзгаришлар улардаги махсус вазифанинг бузилишини кўрсатади, бу эса энергетик жараёнларнинг заифлашуви, метаболизмнинг бузилиши, парциал некроз ва некробиознинг пайдо бўлиши эҳтимолини таъминлайди. Буларнинг барчаси миокарднинг қисқариш функцияси бузилишини чуқурлаштиради. Тажриба гуруҳида майда томирларга ҳам таъсир қилиб, эндотелий ва томир деворининг бошқа тузилмалари транспорт функциясининг бузилишига олиб келади ва толалараро ҳамда хужайралараро шишнинг ривожланишини юзага келтиради. Кузатишларнинг кейинги муддатларида (21–30 кунлик) мушаклараро ва толалараро бўшлиқларда фибробластлар ва бириктирувчи тўқима толаларининг пайдо бўлиши қайд этилди, бу эса миокардда склероз жараёнларини ривожланишидан далолат беради.

ХУЛОСАЛАР

«Гипотиреоз билан касалланган она каламушлардан туғилган бола каламушлар юрак деворининг морфологик хусусиятлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тажрибавий гипотиреоз ҳолатидаги оналардан туғилган авлодлар конида эркин Т3 ва Т4 тиреоид гормонларининг миқдорини назорат гуруҳига нисбатан пасайиши ва ТТГ гормонининг ошиши кузатилди. Бу

Ўзгаришларнинг ривожланиш даражаси текширув муддатига боғлиқ бўлиб, 1-тажриба гуруҳида 14-кунда, 2-тажриба гуруҳида эса тажрибанинг 21-кунида яққол ўзгариши тасдиқланди.

2. Тажрибавий гипотиреоз ҳолатидаги оналардан туғилган авлодлар миокардида ЛПО ва АОТ нинг мутаносиблигининг бузилиши кузатилади. МДА, ДК ва ТК нинг назорат гуруҳидагига нисбатан ошиши, АОТ тизими ферментлари СОД ва каталазининг фаоллигини пасайиши қайд этилди. Бу ўзгаришлар кўпроқ ДК ва ТК нинг яққол ўзгариши билан намоён бўлди.

3. Тажрибавий гипотиреоз ҳолатидаги оналардан туғилган авлодлар қалқонсимон безида дистрофик ўзгариш белгилари намоён бўлди.

4. Тажриба гуруҳидаги бола каламушлар юрагининг артериола ва капиллярлар деворида бириктирувчи толаларнинг дезорганизацияси, шунингдек, миокард мушак толаларининг оқсилли дистрофияси турида ўзгариши, миофибриллаларнинг толаланиши каби патоморфологик ўзгаришлар билан намоён бўлди. Тажриба гуруҳидаги бола каламушлар қоринча девори қалинлигининг морфометрик кўрсаткичларида назорат гуруҳига нисбатан ишончли катталашуви кузатилди.

5. Тажриба гуруҳидаги авлодлар юрагининг ультраструктурасида ўзгаришлар кузатилди, яъни, миофибриллаларнинг некробиозига олиб боровчи митохондрияларнинг энергетик ва метаболик жараёнининг бузилиши билан кечувчи жароҳатланиши ва қисқариш вазифасини бузилишига таъсир қилувчи субмикроскопик ўзгаришларга олиб келиши, шунингдек, қон-томирлар эндотелийсининг транспорт вазифасини бузилиши ва томирлар деворининг бошқа таркибий қисмларига таъсири натижасида хужайра ичи ва целлюла ичи шишининг ривожланишига олиб келди.

6. 1- ва 2-тажриба гуруҳидаги каламуш болаларининг юрак деворида кузатиладиган диффуз интерстициал шиш, диффуз хужайра ичи шиши, миоцитоз, лимфоцитар инфильтрация каби ўзгаришлар ўзаро солиштирилганда, ўзига хос бир хил эканлиги аниқланди. Тажрибанинг 2-гуруҳига мексидол қўлланилганда, гипотиреозга хос белгилар кечроқ, яъни, тажрибанинг 14-кунида пайдо бўлди, тажрибанинг 1-гуруҳида эса 7-кунида пайдо бўлиши кузатилган эди. Мексидол қўлланганда бу ўзгаришлар ўчоқли характерга эга бўлиб, яққол акс этмаганлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

МИРЗАМУХАМЕДОВ ОДИЛЖОН ХАДЖИАКБАРОВИЧ

**МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СТЕНКИ СЕРДЦА КРЫСЯТ
РОЖДЕННЫХ ОТ МАТЕРЕЙ С ГИПОТИРЕОЗОМ**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2. PhD/Tib615.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Ахмедова Сайёра Мухамадовна**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Орипов Фирдавс Суръатович**
доктор медицинских наук, доцент

Тешаев Шухрат Жумаевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущее учреждение: Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Зал заседания 4-этажа, 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2-учебной корпус «Б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел / факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 г.
(реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2021 г.)

Г.И. Шайхова

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Р.Дж. Усманов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Частота встречаемости заболеваний щитовидной железы занимает наиболее высокие места по сравнению с широко распространёнными соматическими заболеваниями среди населения мира. В результате негативного действия внешних и внутренних факторов на сердечнососудистые системы «... наблюдается процесс омоложения показателей смертности ...»¹. В этой связи, одним из актуальных проблем стало проведение научных исследований, направленные на оценки морфологических и функциональных изменений сердечнососудистой системы, наблюдаемые в результате дефицита или увеличения количества тиреоидных гормонов в организме.

В мире проводится ряд научных исследований, направленных на совершенствование оценки морфологических особенностей стенки сердца у потомств, рожденных от матерей с гипотиреозом. В этой связи важно научное обоснование изменений всех органов и систем в организме в результате патологии щитовидной железы, а также морфологических особенностей сердечной стенки потомств, рожденных от матерей-крыс в состоянии гипотиреоза, продуктов перекисного окисления липидов в миокарде у потомств, рожденных от матерей-крыс в состоянии гипотиреоза, изменений активности ферментов антиоксидантной системы и морфологических изменений щитовидной железы детеныш, рожденных с гипотиреозом. Научные исследования по совершенствованию оценки эффективной действию лекарственного средства мексидола на стенку сердца экспериментальных животных, рожденных в состоянии гипотиреоза, имеет особое значение.

В нашей стране особое внимание уделяется совершенствованию медицинской сферы, в частности, повышению качества диагностики, лечения и предотвращения соматических заболеваний. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы обозначены следующие задачи: по «... повышению удобства и качества оказания специализированных медицинских услуг, дальнейшему реформированию системы скорой и экстренной медицинской помощи, предотвращению инвалидности ...»², чтобы поднять на новый этап уровень оказания медицинских услуг населению. При выполнении данных задач, целесообразно проводить научные исследования, направленные эффективной диагностике сердечных заболеваний путем повышения эффективности оценки морфологических особенностей сердечной стенки потомств, рожденных от матерей с гипотиреозом.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбе-

¹ Massimo F. Piepoli, Arno W. Hoes, Stefan Agewall. Christian Albus et. al. Европейские рекомендации по профилактике сердечно-сосудистых заболеваний в клинической практике // Российский кардиологический журнал, 2017, № 6 (146) – С. 7–85.

² Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

кистан за № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

